

# НИШОН


YURIDIK GAZETA

15-may,  
chorshanba  
# 21  
(232)

May				
D	6	13	20	27
S	7	14	21	28
Ch	1	8	15	22
P	2	9	16	23
J	3	10	17	24
Sh	4	11	18	25
Y	5	12	19	26

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan



Зомин тоғларида

## АНЖУМАН МУАММОЛАР БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

Республикада суд-хуқук соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида жиноий жазоларни либераллаштиришга эътибор кучайтирилди. Яқинда Бухоро шаҳрида «Жиноий жазоларни либераллаштириш: муаммолар ва истиқболлари» мавзuida бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда прокуратура, суд, ички ишлар, солиқ, божхона, адвокатура идоралари ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияни Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Самойдин Ҳусенов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда қонунга киритилган ўзгартиришларни тергов-суд амалиётида қўллаш, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ҳамда биринчи марта содир этилган жиноятлар ва уларнинг айрим тоифалари учун жавобгарликни юмшатиш мулкий зиёни қоплаш, гуноҳ қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд муаммолар хусусида фикр юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори, юридик фанлари номзоди Э.Абзалов, Республика Олий суди судьяси Х.Ҳасанов, Ички ишлар вазирлиги Бош тергов бошқармаси бошлиғи А.Шарафиддиновлар мавзуга оид маъруза қилдилар.

Анжуман кун тартибидagi масала ва амалиётдаги муаммолар бўйича прокуратура, суд, ички ишлар бошқармаси ходимлари, адвокатлар ҳайъати аъзолари ўзаро фикр алмашдилар.

В.ЮСУПОВ,  
журналист

## Чоршанбадан Чоршанбагача

9 май

Бутун мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш кuni кенг нишонланди.

Давлатимиз раҳбари Ислom Каримов ушбу кун пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонида ташриф буюриб Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

10 май

Германия Федератив Республикаси федерал канцлери Герхард Шрёдер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Дўрмон қароргоҳида мамлакатимиз раҳбари Ислom Каримов ва Герхард Шрёдер ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Германия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, иқтисодий ҳамкорлик, минтақавий ҳавфсизлик ҳамда Афғонистонни тиклаш ва тинч ҳаётга қайтаришга ёрдамлашишга оид масалалар муҳокама қилинди.

\*\*\*

Тошкентда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимлар ўртасида анъанавий «Ҳавас» турнири бошланди.

## ТАДБИР

# КУН ТАРТИБИДА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2002 йилнинг 1-чорагида амалга оширган ишлари ва келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда таъкидланишича, мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодийёт ва солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш борасида департамент органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳуқуқий тарғибот ва қонунларни тушунтириш ишларига жиддий эътибор берилди. Департамент фаолиятига ошқоралик бериш мақсадида ишонч телефонлари ташкил этилди. Натижада солиқ тўловчилардан 1 млрд. 331 млн. сўмдан зиёд маблағлар ихтиёрий равишда давлат бюджетига тўланиши таъминланди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг даромад манбаларини яшириш, нақд пул маблағлари айланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш ҳолларига йўл қўймаслик чоралари кўрилди. Утган даврда 27 млрд. 441 млн. сўм миқдоридан оқонуний нақд пул айланмалари

амалга оширилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланди.

Шунингдек, ноқонуний равишда сифатсиз пахта ёғи, алкоғолли ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган яширин цехлар фаолияти фoш этилиб, айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Мажлисида бугунги кунда солиқ соҳасида содир этилаётган бошқа ҳуқуқбузарликлар, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, ишда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, кадрларни тарбиялаш, қасб-маҳоратларини ошириш ва бошқа ташкилий масалалар муҳокама этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Департаментнинг матбуот гуруҳи

## Моҳият

Эй, энг яхши одам ким,  
деб сўрагин,

Айтайин ким бўлур  
энг яхши одам.

Энг яхши одам шу —  
кимдан халқига

Қандайдир наф тегар,  
ҳар куну ҳар дам.

Абдурахмон ЖОМИЙ

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

**Ta'sischiilar:**

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:****Abduxoliq****ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'ltimasida №0150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.  
**Reklama va e'lonlar:** 133-82-34

**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149  
Nusxasi - 24.414

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**

**H. NISHONOV****Navbatchi: F.MAMASHARIPOV**

Sotuvda erkin narxda

**1 2 3 4 5 6 7 8****● КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ**

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимиз ёшларини ўз атрофида бirlaштира оладиган, уларнинг муаммоларини ўрганиб, ечимини топишда маслаҳатчи, кўмакчи бўла оладиган ташкилот сифатида шаклланди, ёшларнинг ҳақиқий етакчисига айланди, деб айта оласизми?

— Бундан ропла-роса бир йил бурун Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда ёшларни уюштириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, буюк келагимизни барпо этиш ишларида уларнинг куч-қувватларини, ғайрат ва шижоатларини тўлиқ сафарбар этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ўзбек миллатининг қадим шон-шавкати, обрў-эътиборини кўтаришга қодир маънавий баркамол, жисмонан соғлом, салоҳиятли ва камил инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий

Ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан узвий боғланган, Ватаннинг шаъни, ор-номуси учун курашга отланган, ёш авлодни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ёшлар ташкилоти тузилганига бир йил тўлди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни тўғри йўлга ундовчи ва сафарбар этувчи кучга айлана олдими? Ҳаракат марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қахрамон ҚУРОНБОЕВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг сони 7,1 млн. нафарни ташкил қилади. Ҳаракат аъзоллигига қабул қилиш ихтиёрийлигини ҳисобга олсак, рақамлардан кўриниб турибдики, республикамиз ёшларининг 60 фоиздан ортиги «Камолот»ни яқиндан билади ва унинг истиқболига ишонлади.

Ҳаракатнинг бошланғич тузилмаларини ташкил этиш

ва уни тарғиб этиш ишларига кўп куч сарф этилди. Тўғриси-ни айтиш керак, шунинг учун ҳам ёшларнинг турли муаммоларини ечиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришга камроқ эътибор берилди. Эндиги вазифамиз мана шу камчиликларга барҳам бериш, ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ечимига

тўла англаб этишларига кўмаклашиш мақсада мувофиқдир. Бу борада турли маънавий-маърифий усуллардан самарали фойдаланиш зарур. Шундай эмасми?

— Шундай, албатта. Ёш авлод тарихини билиш билан бир қаторда уни ҳис этиши, ўзи билан ўтмиш аждодлари орасидаги узвийликни идрок этиши, ўзини тарих билан келажакни боғлаб турувчи жуда муҳим шахс сифатида кўра олиши лозим.

— «Камолот»нинг ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғриси айтиш керак. Ҳаётнинг ачиқ-чучлигини тотган инсон жиноят кўчасига кирмайди. Бироқ айрим ёшлар жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Бунинг олдини олиш учун Республика Бош прокуратураси ва ИИВнинг кўпгина бўлим ва бошқармалари билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Мақсадимиз — ёшларни нотўғри йўлдан қайтариб, юртимиз учун фойдодор инсонлар қилиб тарбиялаш.

— Ҳаракат ёшларнинг ички имкониятларини рўйбега чиқариши, ўз иқтидорларига яраша фаолият кўрсатишларига имконият яратаяптими?

— Аввало, ички имкониятларни рўйбега чиқариш учун қулай муҳит яратиш даркор. Бундай муҳит ёшларнинг ташаббусларини қўллаш, уларга ёрдам бериш ва шу билан бирга уларга эркинлик беришдан иборатдир. Шундай муҳитни яратиш «Камолот»нинг устувор мақсадларидан ҳисобланади.

Жумладан, бошланғич ташкилотлар фаолиятини эркинлаштириш ҳам аслида ёшларнинг ички имкониятларини рўйбега чиқаришда катта ўрин тутди. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти тузилган корхона, муассаса етакчиларининг қафолат хати ҳамда Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши тавсияси билан йирик бошланғич ташкилотларга юридик шахс мақоми берилмоқда. Шу кунгача уларнинг сони 60 тадан ортиди. Келажакда бундай мақомга эга бошланғич ташкилотлар сонини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

— Сизнингча, бугунги кунда ёшлар жамият маънавий юксалишида фаол иштирок этаётими?

Биз ёшлар орасида маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш бўйича, жами 28 йўналишда турли-туман тадбирларни амалга ошириб келаётимиз. Ёшлар айни кунда фақат ўз муаммолари, ўз ташвишлари билангина ўралашиб қолган эмаслар.

Улар мустақиллигимиз тақдири, Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги йўлида фаолият юритмоқдалар. Гап фақат уларни қўллаш ва рағбатлантира олишда.

**«КАМОЛОТ»****ЁШЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧИГА АЙЛАНАДИ**

ҳаракати мустақиллигимиз тарихида амалга оширилган энг улкан ишлардан бири бўлди, десам хато бўлмайди. Ўтган йилнинг 25 апрелида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис курултойи бўлиб ўтганди. Унда ёшлар томонидан сайланган 600 нафар делегат келгусидаги ишларни режалаштириб олди. Шу давр ичида кўп ишлар қилинди.

Биз ўтган йил мобайнида ҳаракатнинг барча органлари низоми ва дастури доирасида кўйи тизимларни ташкил этиш билан боғлиқ ишларга кўпроқ эътибор қаратдик. Натижада шу кунгача олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, умумтаълим мактаблари, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тизимларида жами 4.154.570 нафардан ортиқ ёшлар Ҳаракат аъзоллигига қабул қилинди. Статистик



яқиндан кўмаклашиш тарихида орқали мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир ёшнинг кўнглига, юрагига кириб бориб, уларнинг ишончини қозонишдан иборатдир. Чунки, Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳаракатнинг дастлабки фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, кейинги фаолиятида асосий эътиборни ёшларнинг ҳаётида учраб турадиган турли муаммоларини ечиш, турли идора-

ларда манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш масалаларига қаратишимиз лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Биз шу каби долзарб масалаларни жорий йилнинг бошиданок иш режамизга киритдик ва кенг кўламли фаолиятни бошлаб юбордик. Бу ишларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд ва ҳаракат ёшларнинг ҳақиқий маслаҳатчиси, таянчи ва ифтихорига айлана олади.

— Ёшларни Ватан тарихининг билимдон, маънавий баркамол фарзандлар қилиб тарбиялаш учун уларнинг халқимизнинг ўтмиши, ўзбек давлатчилиги асосларини

**● ТАДБИР****КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ**

Конституция — ҳаётимиз қомуи. Унинг жамиятда тутган ўрни ва роли бекиёс. Шу боис ҳам Президентимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Сабаби Конституциянинг мазмун-моҳиятини яқши билиш шу юрtda ашаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи. Айниқса ёш авлод ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстиришда бу гоят зарур ҳисобланади.

Шу мақсадда Хонқа туман прокуратураси Конституциямиз яратилганлигининг 10 йиллиги олдидан Конституцияни янада чуқурроқ ўрганишни ташкил этиш учун ўқув муассасалари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган, компьютер дискетига туширилган ўқув дастури яратдилар. Дастурдан ҳуқуқшуносликка оид минглаб савол-жавоблар ўрин олган. Дастур жойларда ҳуқуқий саводхонликни оширишда қўл келади.

(Ўз муҳбиримиз)

Суҳбатдош: Лола СОАТОВА





мактублар

шикоятлар

жавоблар

# МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ СУД УНДИРИБ БЕРАДИ

Газетамизнинг шу йил 13 март, 12-сонида «Ўйин» сарлавҳали фелъетон эълон қилиниб, унда Сурхондарё вилоятида 2001 йилги ғалла ўримида энг кўп ғалла ўрган комбайнчиларни «Тико» автомашинаси, телевизор, гилам ва бошқа совғалар билан тақдирлаш ҳақида буйруқ чиқарилиб, биринчи ўринни эгаллаган Музработ тумани машина-трактор парки хиссадорлик жамиятининг «Кейс» комбайни катта оператори Б.Фармонова жамоатчилиги орасида «Тико» автомашинасининг калити тутқазилиб, сўнг қайтариб олинганлиги, мукофот эгасига топширилмасдан, кўзбўямачиликка йўл қўйилганлиги хусусида сўз юритилган эди.

Яқинда ушбу ҳолат юзасидан Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ф.Бойзоқов имзоси билан расмий жавоб хати олдик.

Вилоят прокуратураси фелъетонда кўрсатилган ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказганда, қуйидагилар аниқланди.

2001 йилда етиштирилган ғалла хосилини ўз вақтида ва нест-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш ва бунинг учун биринчи навбатда комбайнчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» очик турдаги акциядорлик жамиятининг собик раиси Т.Отамуродов 2001 йил 24 май куни 61-сонли буйруқ чиқарган.

Ушбу буйруққа асосан биринчи ўрин учун «Тико» автомашинаси, иккинчи ўрин учун рангли телевизор, кейинги ўринлар учун турли хил совғалар жамиятининг моддий рағбатлантириш жамағармаси ҳисобидан берилиши кўрсатилган.

Мавсум якуни бўйича совриндор комбайнчиларни аниқлаш учун бирлашмада комиссия тузилган.

Комиссия хулосаси билан биринчи ўринга Музработ тумани машина-трактор парки хиссадорлик жамиятининг «Кейс» комбайни катта оператори Б.Фармонов лойик деб топилган.

Б.Фармонова 2001 йил июль ойида ғалла ўрими-йиғими якуни бўйича ўтказилган тантанали йиғилишда «Тико» автомашинаси топширилган, лекин автомашина пули тўланмаганлиги учун вилоят автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан қайтариб олинган ва ҳозирги кунга қадар пули ўтказилмаганлиги сабабли уни бошқармадан олишнинг имкони бўлмаган.

Ҳозирги вақтда вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» акциядорлик жамиятига маблағлар Молия вазирлиги хузуридаги жамғарма томонидан ажратилмаётганлиги ва йўриқнома хатлари асосида мақсадли тўловларга ишлатилаётганлиги тўғрисида «Тико» автомашинаси учун маблағ ўтказилмасдан келинган.

Мукофотга берилиши зарур бўлган автомашинани ололмаётганлиги ҳақида фуқаро Б.Фармонов вилоят ҳокимлигига 2001 йил 26 ноябрь куни шикоят ёзган, у қонуний ҳал қилиш учун вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг муовини Ш.Ориповга йўлланган.

Ш.Орипов эса ўз навбатида шикоятни вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» акциядорлик жамиятининг собик раиси Т.Отамуродовга шахсан ўзи шуғулланиб ҳал қилиш, натижаси бўйича муаллиф ва вилоят ҳокимига ахборот тайёрлаш учун юборган.

Т.Отамуродов эса шикоятни муовинлари М.Абдусаматов ва О.Толлиевларга йўллаб, ҳал қилиш чораларини кўриб, натижасини вилоят

ҳокимлигига ва муаллифга маълум қилишни топширган. Шу тарика мансабдор шахслар томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси талаблари бузилиб, Б.Фармоновнинг шикояти узок муддат давомида ҳал қилинмасдан қолиб кетган.

2002 йил 19 февраль куни вилоят ҳокимлигига «вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» хиссадорлик жамияти Музработ тумани «Машина-трактор парки» хиссадорлик жамияти билан биргаликда эркин муомаладага маблағ топиб, «Тико» русумли автомашинани фуқаро Б.Фармоновга олиб бериш чорасини кўрмоқда», деган мазмунда жавоб хати юборилган. Хатни жамият раисининг муовини О.Толлиев имзолаган. Лекин муаллифга аризасининг натижаси ҳақида жавоб берилмаган.

Комбайнчиларни моддий рағбатлантириш ҳақидаги 61-сонли буйруқни чиқаришда вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» акциядорлик жамияти собик раиси Т.Отамуродов томонидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 65-моддаси 1-қисм 17-банди, 82-моддаси 1-қисм 17-банди талаблари кўпол равишда бузилган. Яъни, мол-мулк сотиб олиш ва уни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият қузатув кенгаши қарори чиқарилиши лозим бўлса-да, шу қарорлар чиқарилмасдан, асослантирилмаган буйруқ чиқарилган. Мазкур буйруққа асосан мукофот ваъда қилиниб, комбайн хайдовчиси Б.Фармоновнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган ҳамда унга маънавий зарар етказилган.

Акциядорлик жамияти раиси Т.Отамуродов 2002 йил 4 март куни ўз аризаси билан вазирадидан озод қилинган.

Текшириш натижаси бўйича вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» акциядорлик жамиятига аниқланган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиши ва бунга имконият яратган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Фуқаро Б.Фармоновга етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунирилди.

Шунингдек, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан вилоят ҳокимига ахборотнома киритилди.

Ф.БОЙЗОҚОВ,  
Сурхондарё вилояти прокурорининг  
биринчи ўринбосари

## «ПУЛ ЎРНИГА МАҲСУЛОТ БЕРИШАДИ...»

«Хуқуқ», 2002 йил, 15-сон

Избоскан тумани прокуратураси томонидан шикоят юзасидан текшириш ўтказилди ва унда келтирилган ҳолатлар ўз исботини топди.

«Пилла» давлат корхонасининг тумандаги бошқа ташкилот ва корхоналарда жами 25.505. минг сўм дебиторлик қарзи бўлиб, шундан 8.618. минг сўмининг тўлов муддати ўтган бўлса-да, корхона раҳбарлари қарзларни ундириш чораларини кўрмаган. Натижада ишчи ва хизматчиларга ойлик иш ҳақлари ўз вақтида берилиши таъминланмаган. Корхонанинг ойлик иш ҳақидан қарзи сўмини ташкил қилган.

Маъмурият баъзи вақтларда ишчиларга ойлик иш ҳақи ҳисобидан турли хил маҳсулотлар бериб келган. Прокуратура аралашувидан сўнг корхона ишчиларига 900 минг сўм иш ҳақлари берилиши таъминланди.

«Пилла» корхонаси раҳбарларининг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараб келиши натижасида корхона ҳамда ишчиларнинг қонун билан кўрикландиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилганлиги ҳолати юзасидан 2002 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

С.МАТМУСАЕВ,  
Избоскан туман прокурори

## НИЯТ ЭЗГУ, ЛЕКИН...

Беруний туманидаги «Шаб-баз» маҳалласи фуқаролари номидан С.Юсупов ва бошқаларнинг марҳум Т.Машарипова, Н.Эшимбетов, Я.Кушекевларнинг номига абадийлаштириш тўғрисидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

Туман ҳокимияти қошидаги атамалар кўмитаси топонимик объектларни номлашда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бириктирилган, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектлар номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ва унга илова қилинган режага амал қилган ҳолда иш юритади.

Т.Машарипова вафот этганига 5 йил тўлмаган бўлиб, шахс номи бирон-бир объекта кўйишда шунча муддат ўтиши талаб қилинади. Шунингдек, топонимик объектларга номи қўйилиши учун шахс ўз ҳаёт-фаолияти давомида уруш ва меҳнат қаҳрамони унвонига эга бўлиши ёки уч марта «Шўҳрат» медални билан тақдирланган ёки ҳуқуқнинг 5 та орден-медалларига сазовор бўлган бўлиши керак. Марҳум Т.Машарипова, Я.Кушекев ва Н.Эшимбетовларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилганда, улар ана шу талабларга мос келмаслиги аниқланди.

Бу ҳақда ариза эгаларига тушунирилди.

А.ИБРАГИМОВ,  
Коркалагистон  
Республикаси Жўқорғи Кенгеси  
Раисининг ўринбосари

Газетхон илҳами

## ОТА-ОНА ДУОСИ

Фарзанда ҳос ҳислатинг билан  
Насиҳатин юрагингга сол.  
Бир умрлик хизматинг билан  
Ота-онанг дуосини ол.

Сени эзгу йўлларга йўллар,  
Яхши-ёмон кунингда қўллар,  
Сеҳрлардир ахир, бу қўллар,  
Ота-онанг дуосини ол.

Меҳр истар гадодир, хондир,  
Дуо олаён эшонлар омондир,  
Ҳаётингда балоғардондир,  
Ота-онанг дуосини ол.

Бахт-иқболни топаён десанг,  
Манзилгима етайин десанг,  
Элдан дуо олайин десанг,  
Ота-онанг дуосини ол.

Турсунои КЎЧИМОВА,  
Фаллаорол тумани,  
Муллабулоқ қишлоғи

Мулоҳаза

## «ЧИРОЙЛИ» ДАФТАР

Илагари «Энг яхши нарсалар — болаларга!» деган широк бўлувчи эди. Азадан шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қола-жас. Бироқ ҳар доим ҳам ушбу ақидага амал қилмаётган тўғри бўлавермас экан. Гап шундаки, яқинда 3-синфда ўқийдиган ўғлимнинг дафтарлари-ни текшираётим, муқовасига бир ҳорижий кинолодунинг сурати туширилган дафтарга қўзим туши-шиб қолди. Энди унинг туриши-ю қийан қийими ҳақида запармай қўя қолай.

Унинг дафтарини ёмон демади-му, ўзимнинг дафтарларимизни мақтадим. Нимаси яхши, деди ўғлим, иккала дафтарни ёнма-ён қўйиб, Гапни айлантириб бошқа мавзуга ўтиб кетдим. Тўғриси айтганда, асар талла деса болалар сифатли, чиройли, муқоваси ялтироқ дафтарни танлаши аниқ. Қачон миллий саноятимиз чет элликдан қошимайдиган, болалар тарбияси-га салбий таъсир этмайдиган дафтарлар ишлаб чиқарар экан-а?

А.МИРАББАСОВА,  
Тошкент вилояти

Муштарий ёрдам сўрайди

## ЧИРОҚЛАР ҚАЧОН МУНТАЗАМ ЁНАДИ?

Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида пойтахтимизга кабель заводи кўчириб келинди. Орадан ярим асрдан кўп вақт ўтди. Шу даврда пойтахтимизда унча катта бўлмаган кабелчилар шахарчаси бунёд бўлди. Бу ерда кўплаб турар-жойлар қурилди. Кабелчиларнинг катта авлоди етишиб чиқди. Бугун улар устозларининг аъёналарини давом эттириб, ўзимиз ва МДХ давлатларининг кўпчилиги учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Биз кабель заводи ёнидаги Мойлисой кўчасида яшаймиз. Сизларга мурожаат қилиши-

мизнинг сабаби, кўчамизда баъзи кунлар кундузи чирок ёниб туради. Аксига олиб кечалари ўчириб қўйилади. Биз бунинг сабабини билолмай хайронмиз. Ачинарлиси, чирок ўчиши ўғрилар учун жуда қулай имконият туғдирмоқда. Бу ҳақда биз тумандаги мутасадди раҳбарларга бир-неча марта айтдик. Аммо, ижобий ўзгариш бўлмади. Зора шикоятимиз газетада чоп этилгач, муаммомиз ҳал бўлса.

З.ПАВЛОВА,  
З.ЗУЛФИҚОРОВА

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

## БОҒ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Айрим ҳўжалик раҳбарлари ханузгача шўро давридан қолган маъмурий буйруқбозлик услубида иш юритиш асоратидан халос бўла олмаётдилар. Меҳнат, ижара ва бошқа турдаги шартномаларда белгиланган ҳўқўқларини тўлиқ тасарруф этган ҳолда мажбуриятларини бажаришга келганда лафзиди туришмайпти.

«Мен ўтган йили 3 гектар ерга бугдой экиб, етиштирган ҳўсалимининг 5020 килограммини У.Юсупов номли ширкат ҳўжалиги ҳисобига топширдим, — деб ёздаги Фаргона туманидаги «Шариф ота» фермер ҳўжалиги бошлиғи Н.Шарипов туман прокурори С.Зубайдуллаевага берган аризасида. — Ҳўсалини топширганимга бир ярим ой бўлса-да, 168 минг сўм ҳўқўқини ширкат ҳўжалигидан оломаяман. Ширкат ҳўжалиги раиси, бош ҳисобчиси, «Пахтабанк»нинг Водил бўлими бошқарувчисига мурожаатларим натижасиз қолмоқда. Бу ишни қўнуний ҳўл қилиб беришингизни сўрайман».

Ушбу ариза текширилганида ширкат ҳўжалиги ва фермер ўртасида тузилган шартномага кўра ҳўжалик сотиб олган бугдой ҳўқўқини 30 кун муддатда тўлаши шартлиги, ҳўқўқатан ҳам бу муддат ўтиб кетгани аниқланди. Прокуратура аралашувидан кейин ширкат ҳўжалиги фермерга ҳўқўқини тўлади. Халигача айрим раҳбарлар шартномавий муносабатларнинг моҳиятини тўлиқ англаб олмаганлиги кишини ранжитида.

Шартноманинг қўнуний кўчини тан олмаслик кайфияти тумандаги «Ғалаба» ширкат ҳўжалиги бошқарувида ҳам ҳўқўқ суриб келаётганиди. Ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси С.Нурматов билан «Оқбилал» кишлоқ фўқаролар йиғинида яшовчи Ф.Ҳайдарова ўртасида 0,36 гектар мевали боғ-ўрикзорни 10 йил муддатга ижарага бериш-олиш тўғрисида шартнома тузилганиди. Ижарачи оила аъзолари билан дарактларга шакл бериб, ўғитлаб, суғориб, парваришлаб, боғни ҳўсалига киритганларида ширкат ҳўжалиги бошқаруви ижарачилар боғ ҳўқўқини тўлиқ тўламаганлигини рўқач қилиб, шартномани бир томонлама бекор қилди. Кейин тайёр ҳўсалига киритган боғ бошқа шахсга бериб юборилди. Ф.Ҳайдарованинг шу ҳўсуда прокуратурага ёзган аризаси ўрганиб чиқилиб, ҳўқўқни тикланди, боғ эгасига қайтарилди.

Кези келганда, ижара тўғрисидаги шартномалар ҳўқўқликда рўйхатдан ўтказилсагина қўнуний кўчга киришини эслатиб қўймоқчимиз. Шартномани имзолаётган томонлар тенг ҳўқўқга эга. Ҳўжалик раҳбарлари бунинг маъзани чақиб, зиммаларидаги мажбуриятларини сўзсиз адо этишлари зарур.

Қудрат ОЛИМОВ,  
Фаргона тумани прокурорининг  
катта ёрдамчиси

Ҳар қандай давлатнинг барҳаётлиги, барқарорлиги, тараққиёти жамиятнинг «олтин фонди» ҳисобланадиган, сон жиҳатдан кичик салмоқ касб этадиган бир неча ўн минг кишилик тадбиркорларга узвий боғлиқ. Шу боисдан уларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини кафолатлаш ишларида барча давлатларда алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик туғайли тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароит вужудга келтирилди. Биргина «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол исботидир...

## ТАДБИРКОРЛИК АТРОФИДАГИ «ТАДБИРЛАР»

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида 613 та фермер ҳўжалиги, 100 га яқин хўсусий корхона, 220 дан ортик яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланувчи шахсларнинг мавжудлиги айнан шундай эътиборнинг натижасидир. Лекин орамизда давр талабига мослаша олмаётган, янги ҳўқўқий муносабатларни қабул қила олмаётганлар ҳам ҳўқўқ мавжуд. Зарбдор туманидаги «Нурафшон» ширкат ҳўжалиги раҳбариятини ҳеч иккиланмасдан мана шундайлар сирасига киритиш мумкин. Улар ҳўжалик ҳудудидида жойлашган 16 та фермер ҳўжалигини дизель ёнилғиси билан таъминлашни ўз зиммасига олишган. Аммо ҳўжаликларга тегишли 9540 литр дизель ёнилғисига қарийб 30 фоиз устама нарх қўйганиларини қандай изоҳлаш мумкин?

Натижада 16 та фермер ҳўжалигига етказилган 1,5 млн. сўм моддий зарар прокуратура аралашуви билан ундириб берилди. Яна бир ҳўлат. Туман молия бўлими билан «Қурилиш таъмирлаш» хўсусий корхонаси ўртасида тузилган шартномага асосан 12 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Лекин молия бўлими томонидан 8 млн. сўм маблағ ўзқилиб, қолган маблағ узрси сабабларга кўра тўланмасдан келинган. Фақатги-

кўриниши, холос.

Ўрни келганда шунини таъкидлаш жоизки, яратилган шунча имкониятлар, имтиёзлар, эътиборга қарамасдан тадбиркор деган номга муносиб бўлмаганлар ёки мажбуриятлардан қочиб юрганлар ҳам учраб турибди. Мисол учун, туман ҳудудидида жойлашган тўққизта ҳўжаликнинг турли солиқлардан боқиманда қарзлари мавжудлиги аниқланди. Жумладан, «Кўхинур» хўсусий фирмаси, «Даврон» хўсусий бозори эгаларининг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги боис туман бюджетига анчагина миқдорда зарар етказилган. Прокуратура томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу ҳўжаликлар судда «банкрот» деб топилди.

Хўлоса тарзида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорликка яратилган қўлай муҳитни бу тахлит сўмистеъмол қилувчиларга нисбатан муносабатимиз бундан кейин ҳам аниқ ва кескин бўлиб қолиши лозим. Зеро, ишдаги интизом тараққиётнинг асосий шартидир.

Шавкат МАРДОНОВ,  
Зарбдор тумани прокурори

**Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳўқўқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳўқўқийлигини ва ҳўқўқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**

**Хўсусий мулк бошқа мулк шакллари каби дохилсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳўқўқларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.**

(Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 53-моддаси)

## КРЕДИТНИ ОЛИШГАНУ...

Банклардан қисқа ва узўқ муддатли кредит олиб ривожланаётган корхоналар, тадбиркор ва фермерлар кўп. Бундан нафақат уларнинг ўзлари, балки жамият, давлат ҳам нафақат кўрмоқда. Бироқ оломқнинг бермоғи борлигини унутиб, кредитларини бошқа мақсадларга ишлатиб юбораётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳўлбуки, банклар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга кредитлар берилиши ва қайтарилиши учун жавобгарлиқни белгиловчи қўнулар мавжуд. Мазкур қўнулар ижроси устидан назорат ўрнатиш прокуратуралар зиммасига юклатилган.

Вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг вилоят бўлими тақдим этган маълумотлар таҳлил этилганда банк бўлиmidан кредит олган айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар кредит маблағларини шартномада кўрсатилган муддатларда тўлиқ қайтарма олмаб келганлиги, натижада 2001 йилнинг 1 март ҳўлатига ушбу субъектларнинг банкка ўз вақтида қайтармаган кредитлари 350,8 млн сўмини ташкил этганлиги маълум бўлди. Дастлабки таҳлил натижаларига кўра банк кредитларини ўз муддатида қайтармаган «Зангори олов», «Мунтазир», «Ал-сабр», «Давр-XXI», «Техснаб-2», «Нилуфар-Д» корхоналари раҳбарларидан кредит маблағларини ихтиёрий тарзда тўлаш талаб этилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида вилоят прокуратурасининг бевосита аралашуви билан номилар қайд этилган корхоналар томонидан 2002 йилнинг шу кўнига қадар 49,2 млн. сўм муддатидида тўланмаган кредит маблағлари ҳамда 17,3 млн. сўмлик устама фоизлар банк фўдасига ундирилиши таъминланди.

Ҳўзирда вилоят прокуратурасида номи қайд этилган ҳўжалик юритувчи субъектлардан муддатидида тўланмаган кредит маблағларини тўла миқдорда банкка ундириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

«Сохиб-Ж» савдо фирмасининг «Ҳамкорбанк» Қўрғонтепа бўлимига ўз муддатида қайтармаб келаётган 580,3 миң сўм кредит қарзи борлигини аниқлаб, унинг тўла миқдорда банк ҳисобга ундирилишини таъминланди.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан кредит бериш тартибининг белгиловчи қўнулар ижроси устидан амалга оширилган назорат давомида мана шундай ва қўнубузилишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилди. Мутасадди идоралар раҳбарлари оғхонлирилиб, уларга тақдимномалар киритилди.

Каримжон МАМАТОВ,  
Лиджон вилояти прокурорининг ўринбосари

## ДАВЛАТ СИЁСАТИГА ҲАМОҲАНГ

Бозор иқтисодиётига бошқарма-бошқар ўтилаётган ҳўзирги давримизни тадбиркорлар фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Ривожланган давлатлар таърибасидан маълумки, улар ҳам ўзларининг ҳўзирги тараққиётига бевосита тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни кенг йўлга қўйганлиги, уларнинг ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратиб берганлиги билан эришган. Шу боисдан, мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Сергели тумани ҳам тадбиркорлик яши ривожланган ҳудудлар сирасига кирди. Туман шарҳардан чексиз жойлашганига қарамай, кичик ва ўрта бизнес оммалашган, сановатлашган марказ ҳисобланади. Бунинг исботи сифатида туман ҳудудидида жойлашган республика миқдасдаги энг катта автомобиль бозорини айтиш мумкин. Шунингдек, Сергели деҳқон бозори ҳам тад-

биркорларга кенг имкониятлар яратиб берилганлиги билан ажралиб туради. Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқўқ ва нафақатларини ҳимоя қилишга туман прокуратураси алоҳида аҳамият бермоқда. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлатимиз сиёсатини ҳўтта татбиқ қилиш, тадбиркорларга ҳўқўқий масалаларда кўмаклашиш, уларнинг қўнуний нафақатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар ойнинг биринчи ва охириги шанба кўнлари туман прокурорининг «Тадбиркорларни қабул қилиш кўни» сифатида белгиланган.

Ўтган йил давомида туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қўнулар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларнинг натижаларига кўра бир қанча таъсир чоралари кўрилди, назорат идораларининг б нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Жорий йилнинг февраль ойида туман

ДСИнинг фаолияти ўрганилганда, бир қатор тадбиркорлик субъектларининг асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги аниқланди. Жумладан, ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган текшириш вақтида хўсусий тадбиркор П.Курманбаев тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳўқўқийи берувчи русатномани тақдим эта олмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МКТКнинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган. Ҳўлбуки, тадбиркорнинг тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳўқўқийи берувчи гувоҳнома сиб бўлиб, унинг нўсхалари текшириш ҳўжатларига ҳам киритилган.

Ўтказилган текширишда шу каби 5 та ҳўлатда асоссиз қарорлар қабул қилинганлиги аниқланди, уларни бекор қилиш тўғрисида протестлар келтирилди. Шу билан бирга қўнубузилиш ҳўлатлари ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ҳўқўқийи туман ДСИ бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

О.МАТХОЛИҚОВ,  
Сергели туман прокурори



Инсоният тарихидаги буюк кашфиётлардан бири, сўзсиз, бу — фуқаролик жамияти барпо этиш ғоясининг дунёга келиши бўлди. Дарҳақиқат, кишилик жамияти ўтмиши қанча-қанча тузумларни бошидан ўтказган бўлмасин, том маънодаги фуқаролик жамияти каби кўпчилик манфаатларини ифодалаган тузумни кўрмаган. Фуқароларнинг энг асосий манфаати ва маънавий ҳуқуқи бўлган эркинликни, озод ва тенглигини фақат фуқаролик жамияти таъмин эта олади.

● ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ САРИ

Мамлакатимизда истиқлолдан кейинги демократик ислохотлар натижасида ҳозирги замон ҳуқуқий давлати, фуқаролик жамияти меъёрларидаги давлатчилик ва қонунчилик ўз шаклланиш жараёнини ниҳонсига етказмоқда. Энг муҳими, фуқаролик жамиятининг руҳияти шакллана бошлади.

Ортимизда амалга оширилаётган ислохотлар йўлбошчиси Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди». Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бугунги бос-

лиги, ҳудудлар манфаати тенглигини таъминлашдан иборат.

Икки палатали парламентнинг қуйи палатаси профессионал тарзда ишлайдиган бўлиши кўзда тутилган бўлиб, бу депутатларнинг қонун яратиш билан тўла-тўқис шугулланишига, уларнинг мустақиллиги таъминланиши ва ўз навбатида қонун лойиҳаларининг пухта ва халқчил тайёрланишига замин яратди. Юқори палата — Сенат эса қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукамал бўлиши билан бирга ҳудудлар манфаатларига риоя этилишини таъминлайди. Қонунчилик палатасининг мавжудлиги депутатлик фаолиятини ҳар қандай хизмат, мансаб билан қўшиб олиб боришга барҳам беради ва ҳокимият бўлишини принципини амалда таъминлайди. Ушбу палата депутатлари депутатлик вазифалари ҳамда ижодий ёки педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган фаолиятлар билан шугулланиши мумкин эмас.

Қонунчилик (қуйи) палатаси томонидан маъқулланган қонун лойи-

● ЖАЗОЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ АМАЛИЁТДА

АЙБИГА ИҚРОРЛИКДАН ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА

Навоий вилоятининг Томди тумани қоракўлчиликка ихтисослашган. Кейинги йилларда кузатишган қурғоқчиликка қарамай туманда чорва туёқ сонини кўпайтиришга, сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришга эришилди. Тан олиб айтиш керакки, бу ютуқлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан тер тўкаётган фидойи чўпонларимиз меҳнати туфайлидир. Аммо чорвани талон-тарож қилиб, камомадга йўл қўйган, хўжалик иқтисодиётига зарар етказган баъзи кимсалар ҳам учраб турибдики, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан тегишли тарзда жазога тортилмоқда.

И. Кожаматов 1998 йилнинг 30 майдан бошлаб 2001 йилга қадар тумандаги «Керегетау» ширкат хўжалигига қарашли «Таскудук» фермасида мудир бўлиб ишлаган.

У ўз мансабига совуққонлик билан қараб ва назоратни сусайтириб юбориши натижасида бир қанча отарларда мол туёқ сонни камайиб кетади. И. Кожаматов бош чўпон К. Науразабаевнинг отаридан 383 бош қўй-эчки, 2 бош туя камомадига, бош чўпонлардан М. Абрайманов отаридан 160 бош, А. Оринбаев отаридан 146 бош, Қ. Қулимбетов отаридан 124 бош, К. Абилов сурувидан 267 бош, К. Муратбоев отаридан 1165 бош, Б. Бўронбоев отаридан 95 бош қўй-эчки камомадига йўл қўйилганини била туриб, ҳужжатларни қалбакилаштириб тақдим этиб келган. Оқибатда «Керегетау» ширкат хўжалиги иқтисодиёти катта зарар етказди. Бу каби қинғир ишларга ферма зоотехниклари Г. Қурбонов ва Т. Оренбоевлар ҳам «хисса» қўшадилар.

2001 йилда Томди туман прокуратураси ходимлари томонидан умумий назорат тартибиде текшириш ўтказилганда ферма мудури И. Кожаматов ва ферма зоотехниги Г. Қурбонов ҳамда Т. Оренбоевлар фаолиятида бир қанча жиддий камчиликлар, жумладан, жами 14.535.800 сўмлик камомад аниқланган. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилди.

Жиноят ишлари бўйича Томди тумани суди ушбу ишни атрофлича қўриб чиқди ва айбдорлар тегишли жазога тортилдилар.

Жинорий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ қонунларни ҳаётга татбиқ этар эканмиз, бу ҳам ҳуқуқшуносликда янги бир ислохот эканлигини назардан қочирмаслигимиз лозим. Суд уларнинг қилмишига баҳо беришда пушаймонлиги ва илгари жиноят содир этмаганлигини, қарамоғида бир неча фарзандлари борлигини инобатга олди ва 2001 йил 22 августдаги амнистия актига мувофиқ жазо тайинлашда енгиллик берди. Судланувчилар И. Кожаматов, Г. Қурбонов ва Т. Оренбоевлар етказилган моддий зарарни ойлик маошларидан тўлайдилар. Бу жиноятга яраша жазо муқаррарлигини яна бир бор тасдиқлаш билан бирга, етказилган зарарни тўлаш, айбини меҳнат билан ювиш учун яна бир имкониятдир.

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,  
Томди тумани прокуратураси  
терговчиси

И. НАЗИРКУЛОВ,  
Тошкент юридик коллежи  
ўқитувчиси

ИСЛОХОТЛАР — БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

кичи жамиятда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтириш мақсадларини қамраб олади. Зеро, ҳар бир жамиятда янги тузум қарор топиши унинг аъзоларининг феоли штирокисиз, уларнинг янги тузумга хос руҳияти ва дунёқарашисиз амалга ошиши мумкин эмас. Иккинчи қақриқ ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг Умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорини ва 2002 йил 27 январдаги референдум натижаларини жамиятдаги ислохотларнинг янги босқичга қўтарилигани билан баҳолаш мумкин. Референдум бюллетенига киритилган биринчи савол мамлакат парламентининг келажагига боғлиқ бўлиб, уни халқимиз тўла маъқулади.

Маълумки, парламент давлат ва жамият ҳаётида салмоқли ўрин тутади. Ҳар қандай демократик жамият қонунлар қабул қилиш ёки мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритиш билан бирга демократия тамойилларини мунтазам ривожлантириб ва тақомиллаштириб бориши зарур. Бу вазифа парламент

да фаолият олиб бораётган қонун чиқарувчи органи ўтиш даврининг мураккабликларига қарамай, барча соҳаларда тезкор қонунлар қабул қилиш ва қонунчилик соҳасида тургунликнинг олдини олиш борасида таҳсинга лойиқ вазифаларни удралаётгани эътиборга сазовор. Галдаги вазифа замонавий парламентаризмга хос таъмин асосида икки — юқори ва қуйи палатали парламент тузишдан иборат.

Амалиётда, дарс жараёнларида ўқувчилар икки палатали парламентга ўтилишидан кўзланган асосий мақсадлар ҳақида саволлар билан муурожаат қилишади. Бу борада муфассал тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлишига қарамай, мавзуга қайта-қайта муурожаат қилишга зарурат туғилмоқда. Бир томондан бу жамиятимиз аъзоларининг ислохотлар жараёнига берафқ эмаслигидан ҳам далолат беради.

Маълумки, икки палатали парламент тузишдан кўзланган асосий мақсад олий вакиллик органининг демократик жиҳатдан мукамал бўлишига эришиш, қонун устувор-

ҳаси Сенатга ўтказилади. Сенат маъқуллагач эса имзолаш учун Президентга юборилади.

Ўзбекистоннинг бўғлису парламенти фаолиятига доир тегишли қонунлар қабул қилинганда юқоридагилардан ташқари ташкилий ва палаталараро муносабатлар, назорат ишлари, шунингдек қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижроия ва суд ҳокимиятлари билан муносабатлари каби масалалар ҳам белгиланиши лозим.

Умумий хулоса тарзида шундай айтиш мумкинки, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, қонунчилик борасидаги дадил қадамлар бунга далил бўла олади. Мамлакатда эркин, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти пойдеворлари қўйиллаётган ҳам, жамиятнинг ҳар бир аъзоси унга ўз хиссасини қўлишдан четда қолмаслиги зарур.

● ГИЁХВАНДЛИК — ИЛЛАТ

ҚИЛМИШНИ БАҲОНА ОҚЛАМАДИ

Баҳор келиб, ҳаммаёқ гулга бурканган бир паллада Қаҳрамон ҳам эски ҳовлисидаги ерида гимираб қолди. Ҳамма ҳайрон. «Эй, Қаҳрамонга қаердан инсоф кирибди? Биноидек экин экаркан-ку» дейишди қўшиллар. Хотини ҳам хурсанд. Дангаса эрининг ва ниҳоят рўзгор ташвишларини ўз елкасига олаётганидан терисига сигмайди. Чунки эри йигирма еттига тўлиб, уч боланинг отаси бўлибди ҳамки, ҳали бирор марта қўлига кетмон ушлаган банд эмас-да. Аммо аёлнинг қувончи узокча қўзилмади. Кузнинг охириларида «ҳосил»ини йиғиб олаётган Қаҳрамоннинг қандай ниҳолни парвариш қилганлиги фош бўлди...

Қаҳрамон ажал уругини кўздан пана дея ҳовли тўридаги ерга эккан, ҳар кун унининг ичидан чиқмай қолди. Гоҳ тагини юмшатади, гоҳ пақирлаб сув ташийди. Нима бўлганда ҳам унинг тезроқ етилишини истади. Ниҳоят куз келиб, экинни у кутгандан ҳам яхшироқ «ҳосил» бергач, ширага энган туғунчаларни

тажрибали боғбонларда қайчи билан секин-секин кесиб олди. Ҳидлаб кўрди. Ҳиди димоқни ёргудек. Қаҳрамон «оҳ-оҳ» ислариндан айланай — дея уни чордоққа олиб чиқди. Қоғоз тўшаб, битталиб ёйиб чиқди. Қўлин ёйилса моғорлаб қолиши мумкин-да. Кейин «клиент»лар ноз қилишади. Энди Қаҳрамон чордоқдан бери келмасди. То куригунча ўзи ҳам оз-оз татиб юрди. Кайф устиде бир-икки жойда мактадни ҳам: «Дорининг зўридан бор. Тозаси. Ўзим ўстирганман». Ахирий у тилидан тутилди. Қаерда ва қанча ўстирганлигини «гуллаб» қўйди.

Қаҳрамон бу иш билан олдиндан шугулланиб, анча ҳадисини олганлиги учунми, «ким билди» ўтирибди. Шунчасини билишмаган бу ёйига фол очирармиди» дея кериларди ўзича. Аммо унинг кунда синмаган кўзаси, кунда синиб қолди...

Уша кунни роса қуриб, оби-тобига етган «маҳсулоти»ни яхшилаб елим халтага жойлади. Ҳиди чикмаслиги учун устига сочқ

ташлаб қўйди. Ҳеч ким шубҳа қилмаслиги учун ҳосил қилгач, илдам кўчага чиқди. Аммо муюлишга етар-етмас қаршисидан келаётган милиция ходимларини кўрди-ю, калагага учиб кетди. Йўлни буриб, ўзини бошқа кўчага урмоқчийди, улгурмади.

— Тўтанг! Қўлингиздаги нима?  
— Буми? — деди меровсираб Қаҳрамон.  
— Ҳа, шу.  
— Бу ҳалиги... сочқ, тағида кийимларим бор. Чўмилишга кетаётганим.  
— Ҳозир аниқлаймиз. Биз билан юринг. Қаҳрамоннинг юраги «шув» этиб кетди. «Тамом. Энди қамаламан» деди дағ-дағ қалтираб.

У шундагина ҳар қандай ножўя қилмиш учун албатта жазо муқаррарлигини англаб етганди. Аммо энди кеч эди.

Милиция ходимлари ундан 1 кг. 235 гр. гиёхвандлик воситасини далилий ашё сифатида олди.

Ҳужм ўқилаётганда Султонов Қаҳрамон

гиёхванд модданинг уругини кўчадан топиб олдим, дея ваз-қорсон кўрсатди. Ажаб! Наҳотки, ажал уруги кўчада тарихдек сочилиб ётган бўлса. Хўп, шундай ҳам дейлик. Нега ўнда Қаҳрамон ўзи танимайдиган, нималигини билмайдиган нотаниш уругни ҳовлисига экдийкин?! Яна уни пуф-пуфлаб парваришлаганлигини айтмайсизми?!

Ҳа, айб иш бўлса, баҳона топилши осон. Аммо Қаҳрамоннинг баҳонаси ҳам, қилмиши ҳам ҳеч қайси тарозига сигмайди. Ажал уругини экиб, ҳам ўзининг, ҳам ўзгаларининг умрига зомин бўлаётган бундай кимсаларни нафақат бандаси, балки Оллоҳ ҳам кечирмайди.

Султонов Қаҳрамон ҳам бу кечирилмас гуноҳи учун ўн йил озодликдан маҳрум этилди.

Худоёр ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Косон тумани прокурори,  
Гулурак ЕРМАТОВА,  
журналист

Раҳматли Э.Мўминовнинг пешона-сига аччиқ қисмат ёзилган экан (жабрланганларнинг кўнгил яраларини янгиласлик мақсадида баъзи исмлар ўзгартириб берилмоқда). Ички ишлар органларидаги йигирма йилдан кўпроқ давом этган заҳматли хизматдан кейин 2000 йилнинг феврал ойида истеъфога чиққан, эллик ёшнинг нари-берисидеги Э.Мўминов давлат берадиган нафақага кўз тикиб ётишни ўзига эп кўрмай, Бағдод туманида фермер хўжалиги ташкил этди. Россия фермерлари билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиб, тез-тез хизмат сафарларига бориб турди, қисқаси ўзини ўтга-чўкка уриб ишлаш бошлади. Хотини раҳматли бўлганда Эркабой ака ҳали қирқдан ошмаганди. Қирқ ёш эркак кишига нима деган гап, айни қирчиллаган давр. Аммо у хотинини унутолмаганим, ёки «ўғай барибир ўғайлигини қилади», деб болаларининг тинчлигини ўйлаганим, қайта ўйланмаганди. Сўнгги ўн йилликда ўғиллари Олимжон билан Бахтиёрни ўйли-жойли қилиб, ўзи кичик ўғли Ойбек билан Фаргона вилоятининг Бағдод туманидаги Чуринди қишлоғида яшади. Хизмат вазифаси тақозосига кўра унга давлат томонидан Фаргона шаҳридан икки хонали квартира берилган эди.

## ● БИР ТЕРГОВ ТАРИХИДАН

навбатда Эркабой аканинг яқин қариндошлари билан суҳбатлар ўтказамиз», — деб мажлисга нуқта қўйди М.Усмонов.

Ходимлар чиқиб кетгач, гуруҳ бошлиғи чўқур хаёлга толди. Эркабой аканинг катта ўғиллари Олимжон ва Бахтиёр алоҳида уй-жой қилиб чиқиб кетганликлари сабабли, отасининг Фаргонага кетганлигини билишмаган. Бундан фақат Ойбек хабардор бўлган. «Хўш, Ойбек отасига суиқасд уюштириши мумкинми?» — ўйлади терговчи ва кўнглига келган бу хаёлдан ўзи ҳам чўчиб, этлари жунжикиб кетди. «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Қобил фарзанд қандай қилиб ўз отасига, ота ўрнида оталик, она ўрнида оналик қилган энг яқин кишисига ўлж кўтарди. Бундан ташқари, ўзбекилик удуми бўйича отанинг ҳовли-жойи, мол-мулки кенжа фарзандга

мерос қилиши барчага беш қўлдай аён-ку. Шунга ҳам қаноат қилмасдан отасига суиқасд қилади-ми? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас», — кўнглидан ўтказди терговчи оддий фўжоро сифатида. Аммо барибир хизматчилик, Ойбекни сўроққа чақиртирди, зеро ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Терговчи эса жиноятнинг қандай содир этилганлигини ҳолислик

борлигини айтганлигини» баён қилди.

«Наҳотки шу тижоратчи аёл қарзини қайтармаслик мақсадида буюртма қилган бўлса?» — ўйлади М.Усмонов ва зудлик билан уни топиб келишларини буюрди. Аёл ҳалоллаб кабинетга кириб келаркан, тергов бошқармаси бошлиғи уни тинчлантириш мақсадида қулай жойга ўтиргизиб, қўлига бир пиёла чой тутди:

— Ўзингизни босинг, опа, биз сизни бу ерга фақат гувоҳ сифатида таклиф этдик. Айтишларича, сиз Эркабой ака деган кишидан анчагина қарздор экансиз.

— Қанақасига адашай, ука, 7 октябрь кўни яқшанба эди, савдом анча юришди. Қўлимга олтиш мингга яқин пул тушди. Шунинг эллик мингга душанба кўни уйига элтиб берганм. Ушунда «қолганини қишгача берсангиз бўлади», деган эдилар. Аёл «шунга қарамасдан мени милицияга берибди-да», дейишга оғиз жуфтлади-ю, аммо айтмади. Терговчи ҳам буни сезди, аммо сир бой бермасдан соддароқ ва лўндароқ қилиб сўради:

— Эллик мингга қайтариб берганингизга бирон далил-исботингиз борми? — Ҳа, албатта бор-да, — деди аёл жонлиб и ва сўмаксидан бир тилхатнинг нусхасини чиқарди. — Мана бу мен у кишидан 470000 сўм қарз олганлигим тўғрисидаги ўзим ёзган тилхатнинг нусхаси. Қўлимга ўзи у кишида. Мана, ёзиб қўйилган, 27 сентябрда 42000 сўм қайтариб берилган, 8 октябрда эса 50000

Калаванинг учи топилганга ўхшар, барча излар Ўринбой билан унинг ҳамтовови Расул Ҳабибовга бориб тақалмоқда эди. «Ўлдириб юборишганим ёки пул ундириш мақсадида бирон ерга қамаб ўтиришганим?» — ўйлади у ўзини ва рацья орқали гуруҳ аъзоларини кабинетига таклиф этди. Ўтказилган қисқагина йиғилишдан сўнг гуруҳ аъзолари иккига бўлиниб, бир қисми Расул Ҳабибовниқига, иккинчи қисми эса Ўринбой Адҳамовниқига йўл олди.

Расулнинг хотини келган кишиларга бир парча қоғоз узатди. Унда «бир аҳмоқнинг гапига кириб, ўзим ҳам аҳмоқ бўлдим. Мендан рози бўлинглар», деб ёзилганди. Хотинининг айтишича, икки кун аввал Ўшдан телефон қилиб, «Бир-иккита ишларимни битириб, Сибир-либирга кетмоқчиман», дебди. Ўринбой ҳам уйда йўқ экан. Эрининг хурмача қилиқларидан яқшигина хабардор бўлган хотинининг айтишича, «биронтанинг ортидан илакишиб, бирон ёққа кетиб қолган бўлиши мумкин» экан.

М.Усмоновнинг буйруғи билан Расул Ҳабибовнинг гуруҳи гувоҳлар иштирокида текшириб кўрилди. Буни қарангки, «икки-уч йилдан бери бўш ётган» гараждан Эркабой акага тегишли «Жигули» машинаси лоп этиб чиқиб қолди. Ўринбойнинг гаражидан эса барча гаражларга ҳос бўлган чўқурлик йўқ бўлиб, ерга полос тўшаб қўйилганди. Полос кўтариб кўрилганда, пала-партиш кўйиб ташланган чўқурнинг ўрни кўзга ташланди. Бир соатдан кейин эса махсус ходимлар чўқурни қовлаб, Эркабой аканинг мурдасини эҳтиёткорлик билан чиқариб олишди. Майит барча расм-русуумларга мувофиқ қайта қафанланиб, иззат-икром билан дафн этилди. Жиноятчилар қўлга олинган, терговчи Ўринбойдан сўради:

— Сиз Эркабой ака билан анча йиллардан бери танишсиз, ул-бул ишларига ёрдам бериб юргансиз. Ака-укадай бўлиб қолган одам, нега унга суиқасд қилдингиз?

— Ҳа, мен у кишини 1983 йилдан бери билардим, — деди Ўринбой. — Ўзимиз қатори одам эди, аммо истеъфога чиққан, фермер хўжалиги ташкил қилиб, анчагина маблағ жамгаранини билиб қолдим. Шайтон йўлдан урди...

Бировнинг пешона тери тўкиб топган ҳалол моли нополларга ҳеч қачон nasib этмас экан. Нополлар калавани қанчалар чувалатмасин, барибир учи топилааркан. Маълум муддатга қабрга айланган гараж ҳозирги кунда ҳувилаб ётибди, чўқурнинг «Сибир-либирга қочиб кетиб, жазодан кўтулмай қолмоқчи бўлган» эгаси шериги билан бирга содир этган оғир жинояти учун одил суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жазони ижро этиш муассасаларидан бирига узоқ муддатларга «сибир» қилинган. Аҳоли эса бировларнинг ҳалол молига кўз олайтирадиган нобакорларга ланятлар ўқиб, адолат посбонларига тасанино айтмоқда.

Йўлдош ПАРДА,  
«Хуқуқ» муҳбири

# КАЛАВАНИНГ УЧИ ТОПИЛДИ

билан батафсил очиб бериши, жиноят содир этган шахсни, у ким бўлишидан қатъи назар, қўлга олиб, адолат билан тергов қилиб, айбдор бўлса, одил суд қўлига топшириши, айбсиз бўлса, унга тўнқалаётган тўхматлардан халос этиши шарт. Бу ҳар бир терговчининг энг олий, энг муқаддас бурчидир.

Ойбекнинг айтишича, отаси Фаргонага кетгандан кейин, у ҳафта-ўн кун фермер хўжалиги юмушлари билан машғул бўлган. Фақат 21 октябрь кўни отасидан хат-хабар бўлмаганлиги сабабли Фаргонага йўл олган. Квартирадаги бесаранжомликни кўриб, прокуратурага хабар қилган. У терговчи отасининг бедарак йўқолганини эшитган барча таниш-билишлар кўнгли сўраб келиб кетишганини, фақат отасининг «минг йиллик ошнаси» Ўринбой ака кўринмаганлигини ҳам айтиб берди. Гуруҳ аъзолари Эркабой аканинг «барибир эркак эмасми, Фаргона шаҳрида яшовчи Малоҳат исмли бир бева аёлниқига орасира келиб-кечиб турганини» аниқлаб келишди. Малоҳат эса ўз кўрсатувида «эрининг бир неча йиллар аввал автофалокатга учраб, ҳалок бўлганини, учта боласи етим қолганини, икки йилча аввал Эркабой ака билан танишиб қўлиб, никоҳни қайд эттирмасдан учрашиб туришганини, вақти-соати етганда никоҳдан ўтиш ниятида бўлганликларини, Эркабой ака сўнгги марта уникига келганда чўнтағида 4000 АҚШ доллари бўлганлигини, шундан икки юз долларни қадрдон ошналари Ўринбой Адҳамов ва Расул Ҳабибовлар орқали ўзбек сўмига алмаштириб, бир қисмини болаларга қийим-кечак олиш учун унга бериб кетганлигини, бундан ташқари Дилбар исмли бир тижоратчи аёлда 500000 сўмга яқин пули

сўм қайтариб берилган. Узлари қўл қўйганлар. Бундан ташқари, ўша кўни Эркабой аканиқида ўтирган ва менинг пул бериб кетганлигимни кўрган икки кишини ҳам гувоҳликка олиб келишим мумкин.

— Э-ҳа, ҳали гувоҳларим ҳам бор денг, ким экан улар?

— Биттаси ўша, Эркабой аканинг ул-бул ишларига ёрдам бериб юрадиган, аёл зотини кўрганга қўзлари ўйнаб турадиган Ўринбой шилқим... иккинчиси унинг ҳамтовови... Пул кўтариб кириб борганимда, қўзларини шунчалар лўқ қилишдики, пулни тазгина санаб бериб, жўнаб қолдим.


— Бўпти опа, бораверинг, аммо қарзни барибир қўлга қўйиш керак, — деди М.Усмонов аёлнинг Эркабой ака воқеасига бутунлай алоқаси йўқлигига ишонч ҳосил қилиб.

— Албатта тўлайман, ука, бирон ёққа қочиб кетардим. Аслида қарз олмасдим, аммо товар устига товар келиб қолди. Қўлдан чиқаргим келмади, фақат ҳозир савдо биров юришмай турибди. Тез орада мавриди келади, — деди аёл чиқиб кетаркан.



Суратда: Тезкор гуруҳ ходимлари навбатдаги тергов таҳминини муҳокама қилишмоқда.





«ХУҚУҚ» ШАРҲИ

# ТИНЧЛИК ҚАДРИ



Тинчлик ва озодликка барча замонларда миллати, дини ва ирқидан қатъий назар, одамлар энг буюк назар билан қараган. Зеро, халқни бирдамликка чақириш, юртни обод, элни маъмур қилиш фақатгина ана шу тинчлик ва озодлик билан амалга оширилган. Аммо, сўнгги вақтларда дунёнинг у ёки бу ҳудудларида содир этилаётган турли тўқнашувлар, қарама-қаршилик ва тортишувлар эркак ташна халқларнинг тинчлиги раҳна солмоқда. Исроил -Фаластин ўртасидаги ўзаро ихтилофлар бу давлатларда ёвузликни тўхтатиш борасидаги савий-ҳаракатларга ижобий таъсир кўрсата олмапти. Икки мамлакат халқи ҳам бу ҳунрезликлардан катта ташоф қўрапти. Мамлакатда террорчилик ҳаракатлари авж олаяпти. Халқро ҳамжамиятнинг мазкур ҳудудларда бўлаётган тўқнашувларни тинч йўл билан бартараф этишга қаратилган уринишлари ҳам ҳозиргача самара бергани йўқ. Бир қараганда Исроил Бош вазири Ариэль Шарон ҳам, Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ҳам ўзаро тинчликни қарор топтиришдан манфаатдордек кўринади. Лекин, бу ҳаракатлар ёвузликнинг олдини олишга ожизлик қилапти. Ўтган ҳафтада Фаластин раҳбари журналистлар билан ўтказган матбуот анжуманида бу ерда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини Исроилга ён босишда, бир томонлама ахборот тарқатишда айблаган бўлса, Исроил Бош вазири ҳам ўз навбатида Фаластин раҳбарини қатъиятсизликда айбладан чарчамаяпти. Энди бевосита мазкур ҳудудларда тинчликни ўрнатилган қаратилган тадбирларга тўхталайлик.

Ўтган ҳафта охирида Тель-Авивда Исроил-Фаластин қарама-қаршиликка барҳам бериш шиори остида энг катта намойиш бўлиб ўтди. «Тинчлик учун» ҳаракати вакилларининг таъкидлашича, шанба кунинг намойишда 150 мингдан зиёд киши иштирок этган. «Исроил учун Фаластин ерларини тарқ этинг», «Икки халқ учун-икки давлат», «Худуддан чиқинг, иқтисодни кўтаринг» шиори остидаги чакриқлар исроилликларнинг тинчлик учун ён босишдан манфаатдор эканлигини кўрсатапти. Мамлакатда исроилликларни қўшимча ҳарбий хизматга чақиришни тўхтатишга қаратилган кучлар ҳам намойишлар ўтказди.

Хориз оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, ўтган шанба кунини Исроил Фазо секториди ўтказилиши режалаштирилган ҳарбий операцияни

бекор қилди ва сўнгги бир ярим ой ичида илк бор Фаластин ҳудудларидан тўлиқ ўз қўшинларини олиб чиқди. Мамлакат мудофаа вазири Биньямин Элиезернинг айтишича, ҳарбий операция унинг ўтказилиши борасидаги тафсилотлар ошқор бўлиб кетганлиги сабаб тўхтатилган. Шунингдек, маълумотларда айтилишича, қўшинлар олиб чиқилгандан сўнг қўшимча ҳарбий хизматга сафарбар этилганларнинг ҳаммаси ўз уйларига жўнатиб юборилган.

«Биз Фаластин ҳудудларини ўз хоҳишимиз билан тарқ этдик ва у ерларни эгаллашни ўйламаймиз ҳам», — деди Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес

CNN телеканалига берган интервьюсида. Ўз навбатида Фаластин маъмурияти вакили Сааб Эракат Исроил ҳукумати расмийларининг баёнотига ўз муносабатини билдириб, «Ҳарбий операция бекор қилинди, аммо бу яна такрорланмайди дегани эмас», — деб таъкидлади. Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида Яқин Шарқдаги учта давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Қарийб уч соат давом этган учрашувда Миср президенти Хусни Муборак, Сурия раҳбари Башар Асад ва Саудия Арабистони қироллиги вориси Абдулла Исроил Фаластин ҳудудидидаги сўнгги ҳодисаларни муҳокама этдилар.

Учрашувлар, мулоқотлар ва халқро анжуманларнинг бош мавзусига айланган Яқин Шарқ можароси томонларни муросага чақиришдан чарчамаяпти. Амалий жиҳатдан эса зиддият ҳамон барҳам топгани йўқ. Нима бўлганда ҳам, рўй бераётган бу қарама-қаршиликлар икки мамлакат учун ҳеч қандай наф келтирмаслиги аён. Худуд учун эмас, тинчлик учун ўзаро кучларни жипслаштириш минтақада адоват уруғини қуритиши эътироф этилаяпти.

Дилмурод ЭШМУРОДОВ

## ТҮРТТА ГОР ПОРТЛАТИЛДИ

Жума кунини Афғонистондаги буюкбританиялик аскарлар «Ал-Қоида» ва «Толибон»га тегишли қурол-яроғ ва ўқ-дорилар яширилган тўртта горни бутунлай вайрон қилдилар. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, горлар мажмуида ҳосил бўлган портлаш кучи шу даражада бўлганки, қуюқ тутун 300 метр баландликка кўтарилган. Ҳатто шундан кейин ҳам 40 метр чўқурликка яширилган ўқ-дорилар бир неча соат мобайнида яккам-дуккам портлашда давом этиб турган.

Буюкбританиялик ҳарбий хизматчиларнинг таъкидлашларича, бу Иккинчи жаҳон урушидан кейин инглиз сапёрлари амалга оширган энг кучли портлаш бўлган.

## ҲИНДИСТОНДА ҲАЛОКАТ

Ҳиндистон шимолдаги Уттар Прадеш штатида юз берган темирйўл ҳалокати туфайли 12 киши ҳалок бўлиб, 70 дан ортиқ йўловчи жароҳатланган. Маҳаллий ҳокимият вакиллари фикрига кўра, ҳалокат олдиндан режалаштирилган бўлиши мумкин. Янги Деҳлидан Патна шаҳрига йўл олган поезднинг 24 вагонидан 13 тасининг издан чиқиб кетганлигини улар ҳозирча бошқача изоҳлай олмаптилар.

## ОПЕК КЕЛИШУВ ТАРАФДОРИ

ОПЕК ҳамда мазкур ташкилотга аъзо бўлмаган нефт экспорт қилувчи мамлакатлар шу йилнинг 20-21 июнь кунлари Венада қўшма йиғилиш ўтказишади. Маълумки, Россия ОПЕКнинг нефт қазиб олишни чеклаш сиёсатига қўшилмаслигини эълон қилган эди. ОПЕК Бош котиби Али Родригеснинг сўзларига кўра, Россия бундан кейин, яъни иккинчи ярим йилликда ҳам нефт экспортини чекламоқчи эмас. ОПЕК эса халқро нефт бозорига ягона қоида амал қилишни истапти.

Томонлар келишувга эриша оладиларми-йўқми, буни вақт кўрсатади.

## EFE ХАБАРИГА КҮРА...

Душанба кунини эрталаб Барселонада юз берган портлаш натижасида 2 киши ҳалок бўлди. Полиция портлаш сабабларини ўрганмоқда. EFE испан агентлигининг хабарига кўра, бомба Испаниядаги йирик банклардан бири бўлган La Caixa банкининг олдида қўйиб кетилган. Портлашдан банк биноси ва қўшни уй зарарланган.

Хавфсизлик кучлари вакиллари таҳминига кўра, портлашни мамлакатдаги глобаллаштириш ганимлари уюштирган бўлишлари мумкин.

## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Красноярск ўлка суди 36 яшар Алексей Корниловни 2001 йил март ойининг охирида Польша Фукарроси, католик маъзаби руҳонийси Ян Фрацкевичини ўлдирганлиги учун 18 йилга озодликдан маҳрум этди.

Бунгача 5 марта судланган А.Корнилов ўтган йилнинг февралда озодликка чиққач, 76 яшар руҳоний уни шафелигига олиб, ўзига ёрдамчи этиб тайинлаган эди. Ўлкадаги 13 католик жамоаси раҳнамоси ҳисобланган Ян ота ёрдамчиси билан ўлка бўйлаб сафарда юрарди. Кунлардан бир кун отахонда 10 минг рубль борлигини билиб қолган собиқ маҳбус пулга эга чиқиш учун Ян отани ўлдирдишга қарор қилади ва Ярецево қишлоғида ниятига етади.

Марҳумнинг жасади 15 апрель кунини топилади, бироқ бунгача қотил яширинишга улгурган эди. Жиноятга жазо муқаррар. А.Корнилов Қозонда ушланиб, Красноярскка экстрадиция қилинади.

## ХАВФЛИ ТОПИЛМА

10 май кунини Владивосток — Хабаровск катта йўлининг 67-километрида портлаткичлари бўлмаган 589 та артиллерия снаряди топилган. Надеждинский туманининг Алексеевка қишлоғида яшовчи бир фуқародан бу ҳақда хабар келиб тушган заҳоти йўлга чиққан ИИБ тезкор гуруҳи уларнинг 575 таси 100 мм калибрдаги, 8 таси 122 мм, 6 таси 76 мм калибрдаги снаряд эканлигини аниқлади. Шундан сўнг қақирилган сапёрлар снарядларни йўқ қилиш учун қурол-яроғ омборига ташиб кетишган.

## КИМ КИМГА МУҲЛИС?

Белфастда католиклар ва протестантлар ўртасидаги жанжални тўхтатишга уринган полициячи ўқотар қуролдан яраланган. Полиция ҳодиса сабабчиларини қидирмоқда.

Оммавий тартибсизликлар «Глазго Рейнджерс» ва «Селтик» клублари ўртасида бўлиб ўтган футбол бўйича Шотландия кубоғи финал ўйинидан сўнг бошланиб кетган. Маълумки, хар иккала клубнинг Шимолий Ирландияда кўпала мухлислари бўлиб, аксарият католиклар «Селтик»ка, протестантлар эса «Глазго Рейнджерс»га ишқибозлик қилишади.



## «ТУТИНГАН ОТА» ЖО

Ўтган ҳафта шанба кунини АКШнинг Аризона штатидаги Туссон шаҳри касалхонасида Америкадаги италияликлар мафиясининг «тутинган отаси» Жо Бонанно 98 ёшида вафот этди. Сицилияда туғилиб ўсган, умрида бирон марта ҳам жиний жавобгарликка тортилмаган Бонанно ўтган асрнинг 20-йилларида аввал Нью-Йоркни, кейинроқ бутун Американи кўркувда ушлаб турган «беш оила ҳамжамияти»га асос солган эди.

«Тутинган ота»нинг ўғли Сальваторе Бонанно Arizona Daily Star газетасига интервью берар экан, отасини «Америка тарихи яратилган даврларнинг энг сўнгги тирик гувоҳи» деб атаган.

## ТАРИХИЙ ЯҚШАНБА

Яқшанба кунини охириги 23 йилдан буён биринчи марта Афғонистоннинг «Ориёна» авиакомпанияси йўловчи самолёти Покистонга парвоз этиб, афғон савдо делегациясини Исломободга етказиб борган. Шунингдек, 18 майдан бошлаб Покистон халқро авиакомпанияси йўловчи самолётлари ҳам Афғонистонга қатнай бошлайди. Мазкур алоқалар узоқ йиллик урушдан сўнг энди-энди тикланиш жараёнини бошдан кечираётган Афғонистон учун айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

● ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНИШИГА 16 КУН ҚОЛДИ



# ОСИЁ АЗИЗ МЕҲМОНГА МУНТАЗИР

Футбол ишқи шундай ишқи, буни унга мубтало бўлганлардан сўранг. «Пахтакор»нинг ашаддий ишқибози телевизорда севимли жамоасининг ўйинини томоша қилиб ўтирган экан. Кутилмаганда «Пахтакор» ўз дарвозасидан кетма-кет иккита тўп қўйиб юборибди. Ҳалиги ишқибоз «оҳ» дебдию, студдан тўнтарилиб турибди. Юрагини чангаллаб тўшақда ётса, бир ошнаси кўргани келибди. «И-е, рангинг бўздай оқариб кетибди-ку, дурустмасан ўзи?» деб ҳол-аҳвол сўраса, тили зўрға гулдиради: «Пахтакорнинг аҳволи нима бўлди?», деган экан.

Футбол ҳақида оғиз очганимиз боисини зуқко ўқувчимиз тушуниб турибди: Яна санокли кунлардан кейин, аниқроғи, 31 май кунини Япония ва Жанубий Кореяда навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади. Катта футбол байрами қитъамизда илк бор ўтказилаяпти. Хар икки мамлакатнинг меҳмондўст халқлари азият меҳмонини зўр эҳтиром билан кутиб олишига шубҳа йўқ. Ҳозир эса чемпионатга йўлланма олган терма жамоалар ўз ташвишлари билан банд. Муаммолар эса ҳар қайсисидда етарли. Бир қатор футбол юлдузларининг жиддий жароҳатлари ҳали тuzалмаганлиги Англия, Бразилия, Италия каби етакчи терма жамоалар бош мураббийлари учун бош оғриқ бўлиб турибди. Жумладан, бутун Англия маҳоратли футболчи Д.Бэхемнинг тuzалишига умид кўзини тиккан. Бу ёқда бразилияликлар ёрқин юлдузлардан Рональдо ва Ривальдонинг ташвишини қилиб ётишибди. Хуллас, жаҳон чемпионати футбол юлдузларисиз анчайин мароксиз туюлиши мумкин.

Кун санадан чарчамайдиган футбол мухлисларимизнинг истак ва қизиқишларини ҳисобга қилиб, жаҳон чемпионати ўйинлари жадалини эълон қилар эканмиз, ким чемпиони бўларкин, деган саволга ўзимизнинг баъзи таҳминларимизни айтишга жазм этдик.

Жадвалга эътибор берган бўлсангиз, гуруҳлардаги ўйинларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаш имкони кўпроқ бўлган терма жамоалар номини аниқлаш

унчалик қийин эмас. «А» гуруҳида Франция ва Дания ёки Уругвай, «В» гуруҳида Испания ва Словения ёки Парагвай, «С» гуруҳида Бразилия ва Туркия, «D» гуруҳида Португалия ва Польша, «Е» гуруҳида Германия ва Ирландия ёки Камерун, «F» гуруҳида Аргентина ва Англия ёки Швеция, «G» гуруҳида Италия ва Хорватия ёки Мексика, «H» гуруҳида Бельгия ва Россия ёки Япония футболчилари ним чорак финалга чиқишини фараз қилиш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, ҳар бир жамоа ўз гуруҳида биринчи ўрин учун жон-жаҳди билан кураш олиб бориши аниқ. Чунки, бунга эришган жамоа кейинги учрашувда кучли жамоага рўбарў келиб қолиш хавфидан ийроқ бўлади. Энг мушкул аҳвол «F» гуруҳида юзага келиши мумкин. Чунки имкониятлари тенг ҳисобланаётган Англия ва Аргентина терма жамоаларидан бири гуруҳида иккинчи ўринни олса ним чорак финалда «А» гуруҳи голибига рақиб бўлади. Бу жаҳон чемпиони Франция бўлиши эҳтимолга яқинроқ. Равшанки, бу жамоалардан бирортаси ним чорак ўйиндан кейинроқ уйга қайтиш тадоригини кўришга мажбур бўлади.

Қисқаси, финалда қайси кучли жамоа бир-бирига рўпара келади, деган саволга жадалини кўздан кечириб ўзингиз тахминий жавоб бера olasiz. Лекин футболда «ўз уйинг — ўлан тўшагинг», «майдон текис, тўп юмалоқ», деган гаплар ҳам бежизга айтилмаган. Жаҳон чемпионатида кучсизлар бормайди, деган гапдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бошқа жамоаларни ҳам бу ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғри бўлмайди. Мабодо, омад кулиб боқса, ҳатто Япония, Жанубий Корея ҳам ҳеч бўлмаганда ярим финалгача бориши мумкин. Булар бизнинг тахминларимиз, ҳолос. Буни вақт кўрсатади. Соат миллари эса барчамизни катта футбол байрами сайин тобора яқинлаштирмакда. Бўлажак биринчилик янги чемпиони ва янги футбол юлдузларини кашф этса не ажаб.

Бахтиёр НАЗАРОВ

## Донолар демишқи...

Икки тоифа кишидан ранжи-моқ керак: биринчиси — мол тўлаб, ўзи емаган, иккинчиси — илм ўқиб, амал қилмаган.

Уч кишининг кўполигини маъзур тутмоқ лозим: биринчи — очнинг, иккинчи — касалнинг, учинчи — мусофирнинг.

Уч кишининг қадрини уч ерда билинади: марднинг қадрини жангда, муллонинг қадрини қазаб пайтида ва дўстининг қадрини ҳолат тушган вақтида!


Одамлар тўрт хилдир. Биринчиси шундайки, ваъда бермайди, аммо илтимосини адо этади. Иккинчиси, ваъда беради, аммо бажармайди. Учинчиси, ваъда бермайди ҳам, бажармайди ҳам. Тўртинчиси, ваъда беради ва албатта, бажаради.

(«Ҳикматнома»дан)

## ● АЖАБ ДУНЁ

### СИЧҚОНЛАР УСТАНИ ЧУВ ТУШИРИШДИ

Австриянинг Фрайштадт шаҳрида яшовчи бир дурадгорнинг пол остига яшириб қўйган бир пачка пулини сичқонлар еб кетди. Бундан фиғони фалакка ўрлаган дурадгорнинг нима қиларини билмасдан боши қотди. Яқинларидан бири эса унга банкка мурожаат қилишни маслаҳат берди. Жабрдийда пулларнинг қолган-қутганини йиғиб, мамлакат миллий банкига йўл олди. Банк ходимлари эса пул белгилари ва химоя воситаларини сичқонлар еб кетган бир сиқим «қоғоз»ларни кўриб, уларни янғисига алмаштириш имкони йўқлигини билдиришди. Шундай қилиб, сичқонлар бечора дурадгорни 10 минг фунт стерлингга тушириб кетишди.



Уста

### 31 май

## ЎЙИНЛАР ЖАДАЛИ

### 30 июнь

«А» ГУРУҲИ		
31.05.02	15:30	ФРАНЦИЯ - СЕНЕГАЛ
01.06.02	13:00	УРУГВАЙ - ДАНИЯ
05.06.02	10:30	ФРАНЦИЯ - УРУГВАЙ
06.06.02	15:30	ДАНИЯ - СЕНЕГАЛ
11.06.02	10:30	ДАНИЯ - ФРАНЦИЯ
11.06.02	10:30	СЕНЕГАЛ - УРУГВАЙ

«В» ГУРУҲИ		
02.06.02	11:30	ПАРАГВАЙ - Ж.АФРИКА
02.06.02	15:30	ИСПАНИЯ - СЛОВЕНИЯ
07.06.02	13:00	ИСПАНИЯ - ПАРАГВАЙ
08.06.02	10:30	Ж.АФРИКА - СЛОВЕНИЯ
12.06.02	15:30	Ж.АФРИКА - ИСПАНИЯ
12.06.02	15:30	СЛОВЕНИЯ - ПАРАГВАЙ

«С» ГУРУҲИ		
03.05.02	13:00	БРАЗИЛИЯ - ТУРКИЯ
04.06.02	10:30	ХИТЙО - КОСТА-РИКА
08.06.02	15:30	БРАЗИЛИЯ - ХИТЙО
09.06.02	13:00	КОСТА-РИКА - ТУРКИЯ
13.06.02	10:30	КОСТА-РИКА - БРАЗИЛИЯ
13.06.02	10:30	ТУРКИЯ - ХИТЙО

«D» ГУРУҲИ		
04.06.02	15:30	Ж.КОРЕЯ - ПОЛЬША
05.06.02	13:00	АҚШ - ПОРТУГАЛИЯ
10.06.02	10:30	Ж.КОРЕЯ - АҚШ
14.06.02	15:30	ПОРТУГАЛИЯ - ПОЛЬША
14.06.02	15:30	ПОРТУГАЛИЯ - Ж.КОРЕЯ
14.06.02	15:30	ПОЛЬША - АҚШ

«E» ГУРУҲИ		
01.06.02	10:30	ИРЛАНДИЯ - КАМЕРУН
01.06.02	15:30	ГЕРМАНИЯ - С.АРАБИСТОНИ
05.06.02	15:30	ГЕРМАНИЯ - ИРЛАНДИЯ
06.06.02	13:00	КАМЕРУН - С.АРАБИСТОНИ
11.06.02	15:30	КАМЕРУН - ГЕРМАНИЯ
11.06.02	15:30	С.АРАБИСТОНИ - ИРЛАНДИЯ

«F» ГУРУҲИ		
02.06.02	09:30	АНГЛИЯ - ШВЕЦИЯ
02.06.02	13:30	АРГЕНТИНА - НИГЕРИЯ
07.06.02	10:30	ШВЕЦИЯ - НИГЕРИЯ
07.06.02	15:30	АРГЕНТИНА - АНГЛИЯ
12.06.02	10:30	ШВЕЦИЯ - АРГЕНТИНА
12.06.02	10:30	НИГЕРИЯ - АНГЛИЯ

«G» ГУРУҲИ		
03.06.02	10:30	ХОРВАТИЯ - МЕКСИКА
03.06.02	15:30	ИТАЛИЯ - ЭКВАДОР
08.06.02	13:00	ИТАЛИЯ - ХОРВАТИЯ
09.06.02	10:30	МЕКСИКА - ЭКВАДОР
13.06.02	15:30	МЕКСИКА - ИТАЛИЯ
13.06.02	15:30	ЭКВАДОР - ХОРВАТИЯ



ФИНАЛ  
ЙОКОГОМА.  
30.06.02. 15:00

1/8 ФИНАЛ		
15.06.02	10:30	E1 - B2
15.06.02	15:30	A1 - F2
16.06.02	10:30	F1 - A2
16.06.02	15:30	B1 - E2
17.06.02	10:30	G1 - D2
17.06.02	15:30	C1 - H2
18.06.02	10:30	H1 - C2
18.06.02	15:30	D1 - G2

1/4 ФИНАЛ		
21.06.02	10:30	A1 - F2; C1 - H2
21.06.02	15:30	E1 - B2; G1 - D2
22.06.02	10:30	B1 - E2; D1 - G2
22.06.02	15:30	F1 - A2; H1 - C2


  

1/2 ФИНАЛ		
25.06.02	15:00	
26.06.02	15:00	

3 - ЎРИН УЧУН ЎЙИН		
29.06.02	15:30	

## ● КРОССВОРД



**Энига:** 1. Тозаланган кесма оқ қанд. 4. Қадимги Римда хурматга сазовор бўлган аёл. 7. Гомернинг машҳур асари. 8. Рим папасининг бош кийими. 9. Боғча тарбиячиси. 10. Жанубий Америкада яшовчи туссимон ҳайвон. 15. Нидерландия пул бирлиги. 16. Пишлоқнинг бир тури. 17. Вино тури. 18. Тропик мева. 23. Ўт олдириш, ёқиб асоби. 25. Қаршининг тарихий номи. 26. Худонинг қули. 27. Шамолнинг йўналиши ва тезлигини аниқлайдиган асбоб. 28. Туркиянинг 1-президенти. 29. Мураккабгуллар оиласига мансуб истеъмолбоп ўсимлик.

**Бўйига:** 1. Молнинг биқин гўштидан қилинган қовурма. 2. Бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи сўзлар бирикмаси. 3. Бир турли тропик ўсимлигининг қуритилган жигар ранг пўстлоғи. 4. Муқаддас шаҳар. 5. Уч минутлик бир кўро олишув вақти. 6. Япониянинг шимолида яшовчи элат. 12. Баланд иншоот. 13. Уйин тури. 14. Сўгдча «Дуо тезроқ мустажаб бўладиган муқаддас жой» маъносини англатувчи Бухоро вилоятидаги қадимги қишлоқ. 17. Ички ёниш двигателларининг цилиндрдаги ёнишнинг ўт олдириш учун хизмат қиладиган электромагнитли асбоб. 19. Шифобахш тансиқ таом. 20. Товуқсимон парранда. 21. Думли юлдуз. 22. Нефть маҳсулоти. 24. Миллий таом тури.

Тузувчи: Тожиали Умаров

Хоразм вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокуратурасининг нозир Қ.Исмоилова отаси  
**Қ. ИСМОИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.